

# Чорвоқда яна бир дам олиш маскани ишга тушди

Тошкент вилоятининг хушманзара Бўстонлиқ туманида “Металлург” дам олиш масканининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мазкур тумандаги Чорвоқ-Чимён ҳудудининг экологик муҳитини авайлаб-асраш ҳамда жаҳон андозалари даражасидаги соғломлаштириш масканларини бунёд этишга алоҳида эътибор берилаётир. Ўтган йиллар мобайнида бу ерда талай бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани қувонарли ҳолдир. Хусусан, Чорвоқ сув омбори соҳили ободонлаштирилиб, автомобиль йўллари кенгайтирилди. Ушбу ҳудуднинг янада файзли бўлиши учун турли манзарали ва мевали дарахт, арча ҳамда гул кўчатлари экилиб, ён-атроф кўкаламзорлаштирилмоқда. Кўплаб оромгоҳлар, сиҳатгоҳлар қуриб фойдаланишга топширилаётир. Бундай дам олиш даргоҳлари ҳудуднинг табиий-экологик ҳолати, рельефини сақлаб қолган ҳолда бунёд этилаётгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Жумладан, “Металлург” пансионати “Ўзметкомбинат” акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг икки юз нафар ишчи ва хизматчиси дам олиши учун мўлжалланган. Металлургларнинг мароқли ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини тиклаши учун бу ерда барча шароит мавжуд. Спорт майдони, ижара пунктлари, кафе, ресторанлар дам олувчилар ихтиёрида бўлади.

— Ташкилотимиз ушбу пансионат барпо этилишида бош пудратчи ҳисобланади, — дейди “ТошДИЭС қурилиши” қурилиш бошқаруви раҳбари Ғайрат Мираҳмедов. — Бунёдкорлик ишлари ўтган йилнинг ноябрида бошланган эди. Шу кунларда пансионат илк дам олувчиларни қабул қила бошлади.

Дам олиш масканининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Юнусов, Р.Азимов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов, Тошкент шаҳар хокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**Муҳаммад АМИН**
**олган сурат.**

# Ютуқлар ўзимизники,

## масала ва муаммолардан гапиринг

Ташаббус

Яқинда Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида нотабиий йиғилиш бўлиб ўтди. Унга қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳаллаларнинг фаоллари, хўжалик, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари таклиф этилди. Йиғинга туман ҳокими, унинг тегишли ўринбосарлари ташриф буюрдилар. У ерда қилинган ишлар ҳақида эмас, қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида гап кетди. Ютуқлар-ку ўзимизники, бугунги кунда ечимини топмаган қандай масала ва муаммолар бор? Фуқароларни нималар безовта қилаяпти? Бу борада таклиф ва мулоҳазаларингиз борми? Йиғилиш кун тартиби ана шу тарзда қўйилган эди.

Машваратда нотиқлар минбарга кўтарилишмади. Ошкора мулоқот, ўзаро фикр алмашинуви билан ўтди. Албатта ўтган йили қилинган ишлар анчагина. Эҳтимол, ундан қониқиш мумкиндир. Аммо қилинмаганларичи? Мулоқот давомида эътиборталаб масалалар ҳам кам эмаслиги маълум бўлди. Масалан, «Қумариқ» маҳалласида ҳашар йўли билан мактаб қурилиши бошланган эди. Шу иш учун йиғилган салкам 2 миллион сўм пул ҳам бор. Аммо мактабни битириб, ишга тушириш қийин бўлиб турибди. З.Зокирова маҳалласида гузар қурилиши учун ер ажратилди. Аммо сармоя йўқлигидан бу хайрли иш бошланмай турибди. Акмал Икромов маҳалласида бошланғич мактабнинг биноси бир аҳволда. Уни таъмирламасдан фойдаланиб бўлмайди. «Гўзал» маҳалласида қишлоқ шифохона-амбулаторийси қурилиши бошланди-ю, маблағ етишмаганлигидан тўхтаб қолди. Ана шу каби бир қатор таклифлар ўртага ташланди. Уларни бажарса бўладими? Бўлади. Фақат бунинг учун маҳалла ва маҳаллий ҳокимият ҳамжиҳатлик билан ишлаши зарур.

Туман ҳокими Акмал Исабоев йиғилишни якунлар экан, ана шуни алоҳида таъкидлади. Камчиликларни хаспўшлаш, истеъмолчилик кайфиятига берилишга эмас, зиммадаги масъулиятни чуқур тушунишга даъват этди. Ҳал қилиш қийин кечаётган масалаларнинг ечимини топиш, маҳаллалар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, қатъият ва интилишни кучайтириш, мавжуд имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Янги йил олдидан Зангиота тумани ҳокимлиги ташаббуси билан бошқа қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам ана шундай машваратлар бўлиб ўтди. Бу учрашувлар аҳолига кўрсатилаётган хизматнинг аҳволи, ободонлаштириш ишлари қандай кетаётганлиги, жойлардаги маънавий муҳитни тўлароқ тасаввур этишга ёрдам берди. Ошкора мулоқотда айтилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тадбирий чоралар белгиланади. Келажакда бу масалалар ечимини топса, ажабмас.

**С. МУҲИДДИНОВ.**

# Меҳр-оқибат — аҳиллик ўзаги

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аҳиллик, тўғрисўзлик, имон-эътиқод кўп жумбоқларни ҳал этаяпти. Болта Шарипов, Бибиражаб Бобомуродова, Зулхумор Музаффарова, Майсара Абдуллаева, Шокир Ҳабибов каби фаоллар бошқараётган 9 та комиссиянинг иш режалари тиғиз. Бунинг устига, маҳалланинг ёзилмаган қонунлари кўп. Ойма-ой улар жамоа олдида ҳисоб беришади. Аввало, идоранинг дид билан жиҳозланиши дарҳол диққатни тортади. Одамлар маънавият, маърифатга оид китоблар, газета ва журналлар тахламларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Сайёра Ўроқова мудиралик қилаётган кутубхонада эса 15 мингдан ортиқ турли адабиётлар жамланган.

Маҳаллани беҳудага тарбия ўчоғи дейишмайди. Унинг ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги роли беқиёс, 2 та мактаб, 1 та лицей, 2 та болалар боғчаси билан ҳамкорлик, ёшлар даврасида ўтказилаётган тадбирлар маҳалла аҳлини бир-бирига янада яқинлаштирмоқда.

«Ҳашар» сўзи бугун кексаю ёш маҳалладошлар онгига ўтириб қолган. Ўнлаб кўчаларнинг ободлиги, кўплаб янги қурилишлар, турар-жойлар халқимизнинг ана шу қадимий удуми билан бунёд этилган. «Хўжа Бўстон» қабристонидаги улуғворликни кўриб лол қоласиз. Унинг ёнидаги 2 гектар ерда бўй чўзган 2500 тупдан ортиқ мевали дарахт бу йил ҳосил беради, маҳалла маблағига-маблағ қўшади. Кўпчиликнинг ҳиссаси билан қурилган суратхона, машина ювиш мажмуи маҳалланинг мулки. Ойма-ой даромад келтираяпти. Яқин орада ишга тушириладиган оҳак ишлаб чиқариш цехи даромадни янада кўпайтиради. Маблағ эса, энг зарур юмушларга, аҳоли ижтимоий ҳимоясига сарфланади. Байрамлар, тантаналар маҳалла ҳисобидан ўтказилади. Хайрия ишларидан барча рози. 361 нафар нафақахўр доимий ардоқда, 3 нафар ёлғиз яшовчи киши, 15 нафар кам таъминланган оила маҳалладан кўмак олади. Барибир жорий ҳисобдаги маблағ 100 минг сўмдан камаймас экан. Аслида ҳар қандай тадбирни ўтказишга шай турган ҳомийлар қанча.

Исом ота «Ҳар бир оиланинг тадбиркори бўлсин», дейди. Йўл-йўриқ бериш, жиҳозлар топиш, тайёр маҳсулотга харидор излашда ҳам улар билан ёнма-ён елиб-югуришга тайёр. Ахир, оиланинг тўқлиги, ишсизликнинг йўли тўсилиши маҳалла ютуғи-да. Биргина ганчкор Нуриддин Музаффаров ўндан ортиқ ёшларга устозлик қилаяпти. Тандирсоз Истам Ҳожиевнинг ўн беш нафар издоши бор. Зардўз Собира Мусафоевага шогирд тушиб, эндиликда мустақил иш юритаётган қизлар анча. Тикувчи Бибиражаб Облоқулова ўнлаб хотин-қизларга ўз касби сирларини ўргатаяпти. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Мўъжазгина томорқасини хазинага айлантирганлар анча. Маҳалла ҳудудида 20 га яқин маданий, маиший, савдо дўконлари ишлаб турибди. Ҳаммом, клуб 2470 аҳоли хизматида.

Туман ҳокими ўринбосари Сафо Жўраев маҳалланинг яна бир ибратли ташаббуси ҳақида сўзлаб берди. Исом ота тўйлар жиловини ҳам жамоатчилик измига бўйсундира билибди. Тўйларни камчиқим, ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш осон эмас. «Исом отанинг тўйлар бўйича ўз дастури бор», дея қўшиб қўйди у. Маълум бўлишича, эндиликда никоҳ маросими деб 10-15 тагача енгил машина шарт эмас. Келин-куёв учун битта, қариндошлар учун ҳам битта машина кифоя. Кайвони Муҳайё Туробова дастурхон кўтариб келувчиларга ўз ҳукмини ўтказа олади. Тўйчи оила «Қозон қайда, ўчоқ қайда?» деб бош қотирмайди. Тўй жиҳозларининг ҳаммаси маҳалланинг ўзидан чиқади.

— Юртбошимизнинг 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб аташ ташаббусидан кўнгли чоғ бўлмаган одам йўқ, — дейди Исом ота Салимов. — Мен обод маҳалла деганда, Ватаннинг кичик бир парчасига тааллуқли барча жиҳатларни тушунаман. Одамдаги ғурур ва орият ана шу «Ватан ичра ватан»да тарбияланади. Ориятли одамгина маҳалла-кўй, эл-юрт ташвиши билан яшайди. «Маҳалланг — отаонанг» деган ҳикматнинг маъноси ҳам шу-да. Одамларнинг тақдирига, турмуш тарзига дахлдор муаммолар шу кўйи тизимнинг ўзида ҳал этилмоғи лозим. Ўз масканини обод ва кўркам, қўни-қўшниларини меҳрибон, бир сўзли, оқибатли кўришни истамайдиган инсон йўқ. Уларнинг бошини бириктириш, бунёдкорликларга йўл очиш фаолларнинг ишбилармонлигига боғлиқ.

Тилидан бол, юзидан нур, вужудидан ҳикмат ёғилиб турган отахоннинг бундай мағзли фикрларини эшитиб қувондим. Негаки, айнан шундай эл ғамида тиниб-тинчимайдиган кишиларимиз бор экан, маҳаллалар обод ва осуда бўлаверади, хонадонларда эзгулик ниҳоллари бўй чўзаверади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мукаммал академик луғат

Улуғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби, моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбоби бўлган буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур башарият тарихида ўз ўрни ва мавқеига эга сиймолардандир. У бизга бой адабий ва илмий мерос қолдирган. Бобур илғор қарашлари ва илм-фан ривожи йўлидаги хизматлари билан эътироф қозонган. Ҳиндистон Республикасининг биринчи Бош вазири Жавоҳарлаъл Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» ва «Жаҳон тарихига бир назар» асарларида Бобурга юксак таъриф бериб, шундай ёзади: «Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган... Бобур шу пайтгача ўтган маданиятли ва жозибадор инсонлар орасида энг етукларидан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди...»

Кеча Тошкентда Бобур номидаги халқаро жамғарма йиғилишида ҳам гап, аввало, Бобурнинг жаҳоншумул нуфузи ва асарларининг бебаҳо мерос эканлиги ҳақида бўлди.

— Йиғилишимизни Бобур таваллудининг 520 йиллиги олдидан ўтказаётганимиз бежиз эмас, — деди жамғарма раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Олий Мажлис депутати Зокиржон Машрабов. — Буюк аждодларимиз қатори шоир мероси ҳам ҳар томонлама ўрганилмоқда ва оммалаштирилмоқда. Айниқса таваллудининг 510 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари умуминсоний қадриятлар байрами сифатида кенг нишонланган эди. Бу йил ҳам анчагина ишларни амалга оширмоқдамиз. Шулардан бири Бобур асарлари изоҳли луғатини тайёрлаш ва нашр этишдир.

— Биз Бобурни қанчалик севганимиз билан тилдаги тафовутлар ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, — дея суҳбатни давом эттирди ёзувчи Хайриддин Султонов. Унинг асарларини кўплар ўқигиси келади. Шоир асарларининг мукаммал луғати академик нашрини яратиш бугуннинг талабидир. Бунга эса эҳтиёж катта.

Зеро, Хосият Назарованинг 1972 йилда «Фан» нашриётида босмадан чиққан «Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат»и бизга роппа-роса ўттиз йил хизмат қилди. Бугун уни янгилаш ва бойитиш шоир ижодини янада оммалаштириши шубҳасиз. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодиров, филология фанлари доктори П. Исоқов, В. Неъматов, Ш. Ёркин ва бошқалар ҳам ўз чиқишларида тўхталдилар.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ижтимоий ислоҳотлар йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жумладан, “CAFE” халқаро ташкилоти Ногиронларни реабилитация қилиш миллий марказига замонавий тиббий ускуналар, зарур ўқув адабиётлари шаклидаги мурувват ёрдами кўрсатди. Бу ишга яна бир халқаро ташкилот — “Counterpart International” ҳам қўшилди. У марказга даволаш ускуналари, тиббий анжомлар ва дори-дармонлар бериш ниятида. Бу ёрдам шу кунларда топширилади. “Шарқ аёли” Халқаро аёллар жамғармаси эса ногиронлар Интернетдан бепул фойдаланадиган клуб очишга қарор қилди. Бунинг натижасида улар бутунжаҳон тармоқдаги ахборот алмашинувида фаол иштирок эта олади.

БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонасининг Ўзбекистонда ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришни қўллаб-қувватлашга эътибори ушбу халқаро ташкилотнинг вазифалари билан бевосита боғлиқ. 1990 йилдан бошлаб ҳар йили БМТ Тараққиёт дастури Инсон тараққиёти бўйича бутунжаҳон ҳисоботларни дунё жамоатчилиги эътиборига ҳавола этмоқда. Уларда нафақат иқтисодий кўрсаткичлар, балки инсон салоҳияти каби муҳим ресурснинг ишлатилиши ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади. Янги концепция иқтисодий ўсишни муҳим асос деб билади, аммо унинг сифати ва ишлаб чиқарилаётган бойликларни тақсимлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди. У одамларни натижа сифатида ҳам, ривожланиш воситаси сифатида ҳам ифодалаб, уларнинг қобилиятларидан имкон қадар фойдаланиш чораларини ишлаб чиқишга қаратилган. Шундай қилиб, тараққиётнинг мақсади нафақат даромадларни, балки одамлар учун танлаш имкониятларини ҳам кўпайтиришдан иборат. Ташкил этилган семинарлар Инсон тараққиёти бўйича ҳар йилги миллий ҳисоботлар учун тўлиқ ва ҳар томонлама маълумотларни тўплашга ёрдам беради. Бундай ҳисоботлар БМТ Тараққиёт дастури кўмагида Ўзбекистонда олти йилдан бери тайёрланмоқда.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Ҳуқуқий чорраҳа

# Фермерни алдаманг

Жиззах вилояти Арнасой туманидаги «Чуя» фермер хўжалиги ва Арнасой дон қабул қилиш шохобчаси 2001 йил октябрь ойида контрактация шартномасини тузади. Унга кўра, «Чуя» фермер хўжалиги давлат эҳтиёжи учун уруғлик дони етиштириб бериш, дон қабул қилиш шохобчаси эса етиштирилган маҳсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини олган. «Чуя» фермер хўжалиги шартномадаги 45 тонна «Чиллаки» элита уруғлик буғдойини Арнасой ДҚҚШга топшириб, шартнома мажбуриятини бажарган. Аммо шохобча раҳбарлари топширилган донни уруғлик деб эмас, товар дони сифатида ҳисоблаб, жами топширилган ғалла учун 2.739.527 сўм тўлайди. Ваҳоланки, 45 тонна буғдой «Чиллаки» навли элита уруғлик дони эди.

Уруғлик донининг нархи Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 24-сонли ва 2002 йил 19 январдаги 27-сонли қарорига кўра, 1 тоннаси 132375 сўм деб белгилангани инобатга олинса, дон қабул қилиш шохобчаси фермерга 45 тонна маҳсулоти учун жами 5,962,500 сўм тўлаши керак эди.

«Чуя» фермер хўжалиги бу борада адолатни тиклаш учун Жиззах вилояти хўжалик судига мўрожаат қилди. Хўжалик суди масалани кўриб чиқиб, даъво аризасини тўғри деб топди. Ҳал қилув қарорига биноан фермерга Арнасой дон қабул қилиш шохобчасидан 3.273.635 сўм ундириб берилди. Шартнома интизомини бузиб, хўжалик манфаатларига жиддий зиён етказганлиги учун шохобча раҳбари Мусурмон Мансуров ва бош ҳисобчиси Зайнидин Раҳмоновлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 176-1 моддаси билан жазоланди.

Эътибор қилинг, тадбиркор ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаганида бир йиллик даромадининг ярми ҳавога совурилар эди.

**Гулмира СУЮНОВА,**
**Жиззах вилояти хўжалик**
**суди матбуот котиби.**

# Қаловида қусур бўлгач...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз Қорашиқ қишлоғидаги бир далада бўлдик. 15 гектарлик мазкур майдонда 15 хил манзара: бир қисми шудгорлаб қўйилган, иккинчи бир қисмида ғалла майсалари униб чиққан, бошқа бир жойда ғалла уруғи сочилган ер суғорилаяпти ва ҳоказо. Маълум бўлишича, бу ерда тўртта фермер хўжалиги фаолият кўрсатар экан. Анови шудгор қилиб қўйилган қисми бўлса ширкат хўжалигига тегишли экан.

Хўш, пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини шу тарзда миттилаштириб қўйилганининг не афзаллиги-ю не муаммолари бор?

— Жами мижозимиз 669 та, — дейди акционерлик тижорат “Тадбиркор” банкининг Узун бўлими бошқарувчиси Усмон Ҳасанов. — Шундан 480 таси фермер хўжалиги. Биз учун, табиийки, хўжалик субъектининг йирикроқ, бойроқ, қўли узунроқ бўлгани маъқул. Бизда ҳисоб рақамини очган фермерларнинг даромадлари эса ўзига яраша. Айтайлик, “Ҳамдам К”, “Парвез” фермер хўжаликлари уруғлик картошка, пиёз уруғи сотиб олиш учун кредит олишди. Энди уруғ учун қарз кўтариб ўтирган фермернинг аҳволи нечуклигини гапириб ўтирмаса ҳам бўлар... Кўпгина фермерларнинг ерлари шунчаки томорқага ўхшаб қолган. Қандай экин экаяпти, қанчадан ҳосилу қанчадан даромад олаяпти, қанчасини ҳисоботда кўрсатиб, қанчасини яшириб қолаяпти — буларни аниқлаш ҳам қийин кечаяпти.

— Кичик фермер хўжаликларини ташкил этиш туфайли ҳисоб-китоблар ҳам кўпайиб кетди, — дейди туман ҳокимлиги иқтисодий мажмуининг раҳбари Ҳазратқул Ҳасанов. — Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак. Тўғри, пахта ва ғалла етиштираётган майда фермер хўжаликлари меҳнатига эътирозимиз йўқ. Улар шартнома режаларини бажариб келишяпти. Лекин ўтган йили боғдорчилик ва узумчилик соҳасидаги фермерларимиз ўртача 33,9 центнердан мева ва 29 центнердан узум тайёрлашди. Бу, табиийки, паст кўрсаткич. Эҳтимол, бу банк бошқарувчиси айтганидай, боғбон фермерларнинг фаолиятини назорат қилиш қийин бўлганидан юзага келаётгандир? Ахир, боғбон узумини бозорда сотиб, солиқни кам тўлаш учун ҳосилдан бир саватини киримга олиб ўтиришиям мумкин-да.

Таъминотчи, сервис хизмати кўрсатувчи идоралар ходимлари ҳам гапни “Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак”, деб бошлайдилар. Чунки митти фермер таъминотчига бориб, 10 халта ўғит ё 100 литр ёнилғи сўрайди. Шу маҳсулот учун қоғоз тўлдирасан, ҳужжат юритасан, бунинг устига улов ташвиши...

Фермерлар-чи? Уларнинг ўзлари қандай фикрдалар?

Ўзининг икки гектар ерига икки йилдан буён буғдой экиб келаётган “Хуррам” фермер хўжалигининг бошлиғи Йўлчибой Эшбобоевни суҳбатга тортамиз. Эшбобоевнинг касби — агроном, уч фарзанднинг отаси. Бизга у гектаридан 46 центнердан буғдой ҳосили олганини, хўжалик ерида оила аъзолари билан ишлаётганини билдиради. Биз Эшбобоевдан ғалласини давлатга неча сўмдан сотганини, ўғитнинг килосини неча сўмдан харид қилганини сўраймиз. Фермер бу саволларга жавоб бериш ўрнига елкасини қисади. “Ғалланинг жойига яна ғалла уруғи сочибсиз” деган гапимизга “Биз учун ғалла экиш ўнғайроқ, шундай режалаштирилган”, дейди. Фермер хўжалигининг техника воситалари йўқ. Чунки шу икки гектар ерга трактор ёки тележка шарт эмас. Аниқроғи, икки гектар ернинг даромадига трактор сотиб олиб ҳам бўлмас. Буни фермер яхши билади. Озгина ерга белгиланган режани бир нави бажариб юраверади. Қулоқ тинч. Ташвиш кам.

— Уюшма таркибидаги фермерларда қанча трактор, бошқа техника воситалари бор? — деб сўраймиз Азизовдан.

Аммо унинг жавоби мужмал бўлди. У фермерларнинг такрорий экинлар экиш борасидаги режалари хусусида ҳам тайинли гап айта олмади.

Узунда фермерларнинг ҳаммаси шунақа — озгина ернинг кичкина ташвишлари билан овуниб, шу билан димоғларини чоғлаб юришга ўрганиб қолган, демоқчи эмасмиз. Йўқ. Ўнгирини йиғиштириб олганлари, дадил-дадил томоқ қириб, энди каттароқ юмушларга қўл урмоқчи бўлаётганлариям бор.

— 31 гектар ерим, битта тракторим ва шунча тележкам бор, — дейди “Мурод бобо” фермер хўжалиги бошлиғи Иброҳим Муродов. — Даромадимиз етарли. Шу боис хизмат кўрсатиш гузарини қурсамми, деяпман. Фақат... айрим раҳбарларнинг топган даромадимизни ўзимиздан сўраб-суриштириб ўтирмасдан, бошқа мақсадларга йўналтириб юбораётганларини асло тушунолмаяпман...

Муродовнинг қатъиятлиги бизга ўз қишлоғида ўрта мактаб, спорт мажмуини қурган, фермасида колбаса, ёғ ишлаб чиқариш цехларини бунёд этган деновлик фермер Аҳмад Нарзуллаевни эслатди. 368 гектар ерда қарсиллатиб деҳқончилик қилаётган, қишлоғига узоқдан газ қувури тортиб келаётган қизириқлик фермер Нортожи Қултўраевни, канал қазиган, ичимлик суви қудуқлари очаётган шўрчилик фермерларни эслатди. Ва, ниҳоят, “Ҳолва дегани билан оғиз чучимас” деган мақолни ёдга солди.

Дарвоқе, Узунда фермер хўжаликларининг аксарияти майдалашиб қолгани ҳақида шунчаки ахборот бермоқчи эмасмиз. Айни пайтда бу ҳолат амалдаги қонунларимизга ҳам номувофиқ эканлигини таъкидламоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (1998 йил 15 июль)нинг 3-иловаси, 7-бандида “Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами: пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектар”, деб ёзиб қўйилган. Қизиғи шундаки, бу қарор чиққандан сўнг ҳам Узунда майда фермерларнинг ташкил этилишига йўл қўйилган. Бу гап билан биз хатоларни зудлик ила тузатмоқ, майда-митти фермерларнинг фаолиятини тўхтатиб, уларни йириклаштирмоқ лозим, деб дабдурустдан жар солмоқчи эмасмиз. Қозон ўтинининг қаловини ошни хом пиширганларнинг ўзлари эплар. Айтмоқчимизки, фермер майда ижарачи эмас. Биров қаёққа бошласа, елка қисиб унинг изидан эргашиб кетаверадиган итоатчи ижрочи ҳам эмас. У — мулкдор. У — тадбиркор. Замонамизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини ва ҳисоб-китобини таниб олган пешқадам одами. Юртнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга чоғланган фидойиси. Унинг ишлари номига, гаплари, режалари, қадамлари давр шиддатига, намунали андозаларга мосу муносиб бўлгани маъқул деймиз, холос.

**Олимжон УСАНОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# Бухгалтер ва аудиторларга зарур қўлланма

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси 1993 йили ташкил этилган бўлиб, айни пайтда унинг тўрт мингдан ортиқ аъзоси бор. Ассоциация мамлакатимизда бухгалтер ва аудиторлик касбларини ривожлантириш, уни халқаро андозаларга тенглаштириш, ўзини-ўзи бошқарадиган бухгалтер ва аудиторларни тарбиялашга кўмаклашади. Шунингдек, ушбу нуфузли ташкилот маслаҳат ва нашриёт фаолиятини ҳам бажаради.

Яқинда ассоциация томонидан “Замонавий бухгалтерия ҳисоби” деб номланган китобнинг 1-қисми нашр этилди. У бухгалтерлар малакаси ва уларнинг билим даражасини ошириш муаммоларини ечишга хизмат қилади. А. Сотиволдиев ва Ю. Иткин қаламига мансуб мазкур қўлланма бухгалтерлар, аудиторлар, молиячилар, банк хизматчилари, статистика, солиқ ва назорат органлари, менежерлар, иқтисодчилар, олий ўқув юртлари талабалари, коллеж ва лицей ўқувчиларига мўлжалланган. Ушбу дарслик бухгалтерияда янгича ҳисоб-китоб режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома асосида мамлакатимизда биринчи бор чоп қилинди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шу азиз Ватан – барчамизники

# Еттинчи қитъа

*Шу кунларда Мирзачўлнинг қоқ марказида — Мустақиллик майдонининг кунботар қисмида кўркам бир бино қад кўтармоқда. Нилий гумбазлари кўзни қамаштирувчи бинонинг тўрт тарафи нақшинкор устунлар билан ўралган очиқ айвондан иборат. Ҳадемай ишга тушадиган бу иншоот «Маънавият ва маданият маркази» деб номланар экан. Унинг иккинчи қаватида қўриқ вилоятдаги миллий-маданий марказлар учун алоҳида жойлар ажратиладиган бўлибди. Ушбу мажмуанинг ҳамма ёғи мустаҳкам, баланд устунлар билан ўралганидан жуда катта рамзий маъно уқаман. Булар оддий устунлар эмас, қўриқ воҳанинг гуллаб- яшнашига ҳисса қўшаётган юздан ортиқ миллат ва элат вакилларига қўйилган ҳайкал вазифасини ҳам ўтаётгандай. Бинобарин, шу устунлар бўлмаса, бино бошсиз, қанотсиз, патсиз, оёқсиз қушни эслатган бўларди.*

Мирзачўлда халқлар дўстлиги шунчаки, омади гап эмас, ҳаёт синовларидан ўтган ҳақиқат эканлигига ҳеч ким шак-шубҳа қилмайди. Мисол излаб узоққа бориб ўтирмайман, бизнинг уйдан қиёс. Гулистон шаҳрининг Навоий шоҳкўчасида, истироҳат боғининг рўпарасида жойлашган тўрт қаватли бинода истиқомат қиламиз. Биз яшаётган қанотда саккизта оила туради. Биринчи қаватда қирғиз ва қозоқ, иккинчи қаватда тожик ва рус, учинчи қаватда ўзбек ва аралаш миллатли оила, тўртинчи қаватда корейс ва ўзбек. Яқинда бу «баланс» бузиладиган бўлиб қолди.

Уйга келсам, рафиқам ва қўшним Маҳфузахон бир алфозда ўтиришибди. «Нима гап экан?» деган ўйдан юрагим увишиб кетди.

— Тинчликми?

— Тинчлик. Люба опа кўчиб кетаяпти экан.

— Ҳа энди, ҳар ким тузнасибаси тортган жойда яшайди-да, — дейман уларни овутмоқчи бўлиб. Бу гап мўлжалга тегмаганлигини, анча мужмал чиққанлигини ич-ичимдан ҳис қиламан. Любовь Николаевна билан ўн беш йил девор дармиён, «сен-мен»сиз, кўнглимизни қолдирмай, деярли биронта ҳам байрам, тўй ёки таваллуд кунлари бир-биримизсиз ўтмаганлиги эсимга тушиб, очиғи, ўзимнинг ҳам кўнглим бузилди. Кечқурун хайрлашув ошини дамлаб, рози-ризолик сўраш учун қўшниларни жамламагунча бу гапга ишонқирамай юрдим. Россиядаги танишлари бир неча марта факс жўнатиб унга яхши вазифалар ваъда қилишганда ҳам кетишга рози бўлмаган эди.

— Сизлар билан хайрлашиш жуда ҳам оғир, — дейди Любовь Николаевна кўзлари жиққа ёшга тўлиб. — Менинг бешта пуштим Ўзбекистонда яшаб ўтган, иккала қизимни ҳам шу ерлик йигитларга узатдим. Уларни ташлаб Россияга кетармидим. Куёвим Умар: «Ойи, ёлғиз яшаб нима қиласиз, келинг, бирга турамиз», деб ҳоли-жонимга қўймай Фарғонага олиб кетаяпти. Мени ҳисобдан чиқариб қўйманглар. Хабар топсам, тўймаъракаларингизга албатта етиб келаман...

Бундай қараганда, оддийгина қўшничилик муносабатидай. Оқибатли қўшнилар камми? Бироқ ғанимат дунёда моддий манфаат ҳамма нарсадан устун қўйилаётган, алдов, фисқ-фужур авж олаётган, инсонийлик, оқибат унутилаётган ҳолатлар ҳам йўқ дейсизми? Тўлиб-тошиб ётибди!

Бундан уч йил аввал дўстим Олимжоннинг уйига Исроилдан меҳмон келганди. Александр Вильский Ўзбекистонда туғилиб ўсган, қандайдир қариндоши Исроилга келиб яшаш шарти билан унга каттагина мерос қолдирган экан.

— Ҳамма нарсам етарли, — деганди меҳмон. — Пулим, ўнлаб хизматчиларим, муҳташам уйларим бор. Лекин сизларга ўхшаган дўстларим, афсуски, йўқ. Мен Ўзбекистонда яшаганим, бу ерда одамийлик сабоқларини олганим билан фахрланаман...

Яқинда билсам, Александр Иосифович барибир киндик қони тўкилган юртга — Ўзбекистонга қайтиб келибди. Бу воқеани эслар эканман, хаёлимдан бир фикр ўтади: «Она юртимизнинг оҳанграбоси, тортиш кучи нимада?». Менимча, ўзбек халқигагина хос бағрикенглик, меҳнатсеварлик, сабр-бардошлилик, болажонлик, кўнгилчанлик ва бошқа ўнлаб хусусиятлар мажмуи бу халқнинг оддийлиги, соддалигига йўғрилиб, қудратли бир фазилат инкишоф этган. Шуниси аҳамиятлики, бу фазилат ғоят «юқумли» бўлиб, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат вакилларига ҳам бирдай алоқадор.

Мирзачўл аҳлининг бир оиладек аҳил-иноқ яшаётганлигини кўриб, шоирнинг «Дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин» деган содда, таъсирли жумлалари ёдимдан ўтади. Бу дўстликни сақлаш, қудратига қудрат қўшиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

Бундан ўн йилча аввал тожик халқининг Сирдарё туманида яшовчи вакиллари Ўзбекистон Президенти номига мактуб йўллашиб, унда, жумладан, қуйидаги сатрларни битишган эди: «Сизнинг юртимизда тинчлик, осойишталик барқарор бўлиши учун берган кафолатингиз эртанги кунимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Биз ўз навбатида туғилиб ўсган Она-Ватанимиз ҳисобланмиш Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиш учун куч-ғайратимизни аямаймиз, деб Сизни ишонтирамиз!»

Бу мактуб ўша вақтда айрим қўшни давлатларда вужудга келган нотинч вазият муносабати билан ёзилгани кўриниб турарди. Юртбошимиз жавоб хатида Ўзбекистонда истиқомат қилувчи халқлар ва элатлар тинч-тотув, хотиржам яшашлари учун барча чораларни кўражагини маълум қилди ва бу борада уни қўллаб-қувватлаган мактуб эгаларига ташаккур изҳор этди. Шу куни бир гуруҳ фахрийлар ва меҳнат илғорларига Президент совғалари топширилди.

— Биз Юртбошимизнинг кафолатига заррача шубҳа қилмаган эдик, — дейди Сирдарё туманидаги Чолтўқай қишлоғида яшовчи маҳалла оқсоқоли Келдибой ака Шомуродов. — Тинч ва хотиржам меҳнат билан ўтган фурсат ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Менинг ўзим ҳам Келдибой аканинг қишлоғидан, асли форишлик тожикларданман. Айни вақтда ўзимни ўзбек халқининг фарзанди деб ҳисоблайман ва бу билан чексиз ифтихор этаман! Мен ўзбек мактабида савод чиқардим. Мамлакатимиз институтида сабоқ олдим, ўзбек матбуотида меҳнат қилаяпман. Эт билан тирноқни ажратиш мумкиндир, лекин мени ўзбекдан ажратиб бўладими!

Шуларни ўйлар эканман, Юртбошимиз кўп таъкидлайдиган, «Шу азиз Ватан — ҳаммамизники!» деган сўзлар ёдимга тушади. Назаримда, бу ҳикматли иборада иккита асосий маъно ётади: биринчи маъно шуки, Она юрт равнақи, тинчлиги учун ҳамма бирдай жавобгар ва масъулдир. Ўзбекистонда яшовчи бирон киши унинг тақдирига бефарқ, томошабин бўлиб қарамаслиги даркор. Иккинчи маъно шуки, биз ҳаммамиз ягона бир Ватан фарзандимиз, унинг гуллаб-яшнашидан бирдай манфаатдормиз, Ўзбекистондаги барча моддий, маънавий неъматлар унинг фуқароларига бирдай тааллуқлидир. Бу — шунчаки қуруқ шиор эмас. Маънавий муштараклик, шу она тупроққа бўлган ҳақиқий муҳаббат туйғуларини фақат бугунги кун учунгина яшаётган, моддий манфаатдан бошқа нарсани ўйламайдиганлар ҳеч қачон тушунмайди. Ўз тақдирини Ўзбекистон билан абадий боғлаганларгина уни тушунишга қодир.

Мирзачўл мўъжизаси деган ибора бор. Чўлга ташриф буюрган меҳмонлар бу ерда кўп нарсага ҳайрон қолишган. Жазирама даштда барпо этилган чаманзорлар — мўъжиза. Шарқираб оқаётган ариқлар — мўъжиза. Осмонўпар пахта хирмонлари — мўъжиза. Елкама-елка туриб, бир оила аҳлидек меҳнат қилаётган одамлар — мўъжиза.

Хориждан келган эътиборли меҳмонлардан бири чўлда амалга ошган мўъжизалардан ҳайратда қолиб: «Мен ер юзида олтита қитъа бор деб ҳисоблардим, бугун еттинчи қитъа ҳам борлигига амин бўлдим. Бу — инсон қўли билан яратилган Мирзачўл қитъасидир», деган эди. Бугунги эркинлик замонида еттинчи қитъа аҳли бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилмоқда, эртанги кунини, янги мўъжизаларни яратмоқда.

**Мунаввар ПАРДАЕВ,**
**журналист.**

# Ҳамкорлик — тараққиёт қаноти

Кечагина ўзбек олимлари дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги машҳур профессор ва академиклар билан мулоқотда бўлишни, фикр алмашишни, баҳслашиш — илмий ҳамкорлик қилишни орзу қилардилар. Жаҳоннинг йирик илм-фан марказларию, университетларида тадқиқотлар олиб боришни, лабораторияларида тажрибалар ўтказишни, билимларини мустаҳкамлашни ният қилар эдилар. Эндиликда орзулар ушалиб, ниятлар амалга ошди. Бу эзгу ва хайрли ишнинг ташаббускорию ташкилотчиси мустақиллик бўлди. Мустақиллик туфайли мамлакатимиз илм-фани эшиклари ташқи дунёга кенг очилди. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий, радио ва астрономия йўналишлари бўйича йирик учта Халқаро Иттифоққа аъзо бўлди. Мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, биргина ўтган йилнинг ўзида Фанлар академиясининг уч юздан ортиқ илмий ходимлари ўттиздан зиёд хорижий давлатларга бориб келдилар. Бундан кўзланган мақсад эса дунё миқёсида мавжуд бўлган илмий-техникавий билимлар билан танишиш ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтларининг ютуқ ҳамда имкониятларидан хорижий ҳамкорларни хабардор қилишдан иборатдир. Шубҳасизки, бу Ўзбекистон фани халқаро илмий жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида катта аҳамият касб этади.




Шу нуқтаи назардан қараганда академиянинг тарих, археология, шарқшунослик, тил ва адабиёт фанлари бўйича халқаро илмий ҳамкорлиги ўзининг янги-янги қирраларини намоён этаётир. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Фанлар академиясининг Шарқшунослик ва Ўзбекистон Бадиий академиясининг Санъатшунослик институтлари томонидан нашрга тайёрланиб, «Шарқ миниатюралари» номи билан босмадан чиқарилган инглиз тилидаги альбом-каталог мукаммаллиги билан ўқувчида ёрқин таассурот қолдиради. Кўп жилдли ушбу китобнинг биринчиси шарқшунос аллома, академик М. Хайруллаев ва Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиевнинг кириш сўзлари билан очилади. Альбом-каталог халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳақида кенг ва асосли маълумот бериши, илм-фан ва маданиятимиз хазинасига муносиб совға бўлиб қўшилганлиги билан ҳам ғоят қадрлидир.

Ўзбек олими Шокир Пидаевнинг япон профессори, «Дўстлик» ордени соҳиби Като Кюдзо билан биргаликда ёзган «Ўзбекистоннинг янги археологик дурдоналари» китобининг Японияда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Асомиддин Ўринбоев ва АҚШ олимаси, профессор Джо-Энн Гросс қаламига мансуб бўлган «Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва муридларининг руқъалари» номли монографиянинг Голландиядаги «Брилл» нашриётида инглиз тилида, Бонн университети профессори Карл Райхелнинг ўзбек қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш»нинг Саидмурод Паноҳ ўғли варианти ўзбек ва немис тилларида Германияда чоп этилганлиги ҳамда юқорида айтилган олий ўқув юртида асар тақдимоти маросимининг тантана билан ўтказилганлиги фикримизнинг далилидир.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, бундай эзгу ҳамкорлик мамлакатимиз Президенти томонидан олимларимиз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ва ҳаётга изчил татбиқ этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, академия таркибидаги ёш олимларни халқаро илмий ҳамкорликка банд этишга алоҳида эътибор берилмоқда. 2001 йил мобайнида ёш олимлардан 68 тасининг чет эл сафарида бўлиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу йил эса шундай илмий ходимлардан 35 нафари «ГТЕС» халқаро дастури орқали Ҳиндистонда бўлиб, ҳозирги замон компьютер технологиясини ривожлантириш ва уни татбиқ этиш бўйича сабоқ олиб қайтдилар. Бундай сафарларнинг молиявий масалалари таклиф қилувчилар томонидан ҳал этилиб, халқаро ташкилотлар грантлари ҳисобидан қопланмоқда. Шунингдек, ўтган йили академиянинг бир қатор тадқиқот институтларига ҳамкорликда илмий ишлар олиб бориш, айни вақтда турли мавзулардаги конференция ва симпозиумларда иштирок этиш учун АҚШ, Олмония, Буюк Британия, Франция, Туркия, Япония, Хитой Халқ Республикаси каби мамлакатлардан икки юзга яқин олим ва мутахассислар келдилар. Шу билан бирга, Швейцария миллий илмий фонди, АҚШ Давлат департаменти Ядро муҳофазасини кучайтириш агентлиги, Мэриленд университети, Хитой Халқ Республикаси ва Австрия Фанлари академиялари, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги, АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти, Украина илмий-технологик маркази делегацияларининг республикамиз Фанлар академиясига ташрифлари икки томонлама илмий ҳамкорликнинг янги уфқларини очди.

Фанлар академияси таркибида чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилаётган ва халқаро ташкилотлар ҳамда жамғармалар томонидан молиялаштирилаётган илмий-техникавий лойиҳалар тўғрисида тўлиқ маълумот тайёрланган бўлиб, 1998-2004 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳаларга ажратилган чет эл сармояларининг умумий қиймати 5 миллион 496 минг 480 АҚШ долларига тенг. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритиш ҳамда БМТнинг ривожланиш дастури томонидан молиялаштирилишига эришиш мақсадида энергетика соҳаси бўйича бир қатор лойиҳалар тайёрланиб (умумий қиймати 7 миллион 950 минг АҚШ долларига тенг), Хорижий сармоялар агентлигига юборилди. Бундай лойиҳалар фаннинг деярли барча соҳалари бўйича тайёрланганлиги диққатга сазовор.

Шубҳасиз, мамлакатимиз илм-фанини янада ривожлантириш йўлида олиб борилаётган бу каби илмий изланишлар ва изчил саъй-ҳаракатлар олимларимизнинг дунёвий билимларни эгаллашлари ҳамда фундаментал тадқиқотларни амалга оширишларида катта аҳамият касб этади.

**Нуриддин ОЧИЛОВ.**

Қишки таътил

# Қорбобонинг совғалари

*Табиатнинг ажойиб мўъжизаларига тил ожиз. Кечагина гуппиллаб ёғаётган қор ўқувчиларнинг қишки таътили бошланиши билан тўхтади-қолди. Аммо қорсиз ҳам таътил кунлари мароқли, қизиқарли ўтаяпти. Шаҳримизнинг деярли барча санъат кошоналари, катта майдонларини шу кунларда фарзандларимизнинг шодон қийқириқлари, кулгилари қоплаган. Қорбобо ва Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари билан учрашиш қайси болакайга ёқмайди, дейсиз?*

*Айни кунларда пойтахтимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига ўрнатилган энг баланд арча атрофи ҳам болажонлар билан гавжум. Айниқса, Қорбобонинг қўлидан совға олишга нима етсин.*

*Фотомухбиримиз Нўъмонжон Муҳаммаджонов олган бу суратларда эса серзавқ қишки таътилнинг қувноқ онлари муҳрланган.*








## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 7 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 552,17 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1560,47 |
| 1 Дания кронаси | 136,34 |
| 1 БАА дирҳами | 264,14 |
| 1 АҚШ доллари | 970,08 |
| 1 Миср фунти | 209,75 |
| 1 Исландия кронаси | 12,00 |
| 1 Канада доллари | 620,97 |
| 1 Хитой юани | 117,20 |
| 1 Малайзия ринггити | 255,32 |
| 1 Польша злотийси | 253,81 |
| 1 СДР | 1310,68 |
| 1000 Туркия лираси | 0,59 |
| 1 Швейцария франки | 695,65 |
| 1 ЕВРО | 1012,28 |
| 10 Жанубий Корея вони | 8,14 |
| 10 Япония иенаси | 81,31 |
| 1 Россия рубли | 30,52 |
| 1 Украина гривнаси | 181,92 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш корхоналари ва пудратчи ташкилотлар диққатига!

«Даварх итектқурилиш» қўмитасига қарашли республика пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бошқармасининг

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

қуйидаги иншоотлар бўйича тендер савдосида қатнашиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун пудратчиларни танлаш юзасидан талабгорларнинг малакавий танловини эълон қилади.

1. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманидаги касб-ҳунар лицейини 450/200 ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
2. Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги касб-ҳунар лицейини 600/200 ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
3. Қашқадарё вилояти, Қамаши туманидаги касб-ҳунар лицейини 600/200 ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
4. Қашқадарё вилояти, Муборак тумани марказий касалхонаси биносини 650/200 ўринли тиббиёт коллежига мослаштириш.
5. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги 1-касб-ҳунар лицейини 300/100 ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
6. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманидаги 12-касб-ҳунар лицейини 600/100 ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.

Қурилишни тугаллаш муддати — 2003 йил август ойи.

Буюртмачи: Вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.
Манзили: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат марказлаштирилган капитал маблағлари ҳисобидан олиб борилади.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари шарт: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, тажрибали ва ишончли бўлишлари талаб этилади.

Малакавий танловда иштирок этиш ва тендер ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — капитал қурилишда пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича республика бошқармасининг Қашқадарё вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Қарши шаҳри, «Хонобод» шоссеси, 5-уй. Тел./факс: 221-07-79.

Офертала р савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Таклифлар (оферталар) вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси биносида қуйидаги манзилда очилади: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ (НАРА 4216, 2816) ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.

НАРА ТМ

Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.

Тўлов шакли турлича.

Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилотлар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси ТИАА

«ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» АГЕНТЛИГИ

АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан «Section 416 (B)» дастури асосида тақдим этилган БУҒДОЙ ва СОЯ ДОНИГА (иккинчи савдо) миллий валюта — сўмга сотишга очиқ савдолар эълон қилади.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси.
Тел.: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) республика бошқармасининг

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

қуйидаги иншоотларга танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

Иншоотлар номи:

1. Бухоро шаҳридаги 450 ўқувчига мўлжалланган маданият техникумини қайта таъмирлаш. *Тугатиш муддати — 8 ой.*
2. Бухоро шаҳридаги 600/50 ўқувчига мўлжалланган 3-сонли касб-ҳунар лицейини қайта таъмирлаш. *Тугатиш муддати — 8 ой.*
3. Бухоро туманидаги 6-сон касб-ҳунар билим юртини қайта таъмирлаб, 600/100 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежига мослаштириш. *Тугатиш муддати — 8 ой.*
4. Шофиркон туманидаги бизнес мактабини 600 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежига мослаштириш. *Тугатиш муддати — 8 ой.*

Буюртмачи: *Бухоро вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.*
Манзили: *Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй.*
Телефонлар: *223-63-26, 223-62-17.*

*Қурилиш ишлари давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

1. Бухоро шаҳридаги 600/200 ўқувчига мўлжалланган академик лицей қурилиши. *Тугатиш муддати — 17 ой.*

Буюртмачи: *Бухоро вилояти академик лицейлар қурилиш дирекцияси.*
Манзили: *Бухоро шаҳри, «Саноатчилар» кўчаси, 4-уй.*
Телефонлар: 225-91-53, 225-42-86.

*Қурилиш ишлари давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

*Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар етарли касбий ва техникавий малака, молиявий маблағ ва бошқа моддий имкониятларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўникмага, шунингдек, етарли ишчи кучи заҳираларига, шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқига ҳамда қобилиятга эга бўлишлари лозим.*

*Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Бухоро вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:*

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона.
Телефон: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Оферталар юқоридаги манзилда соат 10.00дан 17.00гача қабул қилинади.
Бир тўплам (комплект) тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин соат 10.00да қуйидаги манзилда ўтказилади:
Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 1-уй, вилоят ҳокимлигининг кичик зали.

